

МУАММОГА АСОСЛАНГАН ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА FILA ЖАДВАЛИНИ ҚЎЛЛАШ

Абидов А.Б., Каримова М.Т., Мақсудова З.С., Султанова Г.Ю., Анваров Ж.А., Назиров Ш.А., Бобоҷонов Ш.Ж.,

Тошкент тиббиёт академияси.

✓ *Резюме,*

Ушбу мақолада тиббиёт олий таълим муассасаларида талабаларни муаммога асосланган таълим технологияси асосида ўқитиш, бу технологиянинг авзалиги туғрисида маълумотлар келтирилган. Шунинdek ушбу технологияни амалга оширишда FILA жадвалини қўллаш усули ёритилган.

Калит сўзлар: муаммога асосланган ўқитиш, FILA жадвали, вазиятли масала.

ПРИМЕНЕНИЕ ТАБЛИЦЫ FILA В РЕАЛИЗАЦИИ ПРОБЛЕМНОЙ ТЕХНОЛОГИИ ОБУЧЕНИЯ

Абидов А.Б., Каримова М.Т., Максудова З.С., Султанова Г.Ю., Анваров Ж.А., Назиров Ш.А., Бобоҷонов Ш.Ж.,

Ташкентская Медицинская Академия.

✓ *Резюме,*

В этой статье представлена информация о преимуществах проблемной технологии обучения при обучении студентов в медицинских вузах. Также описывается, как использовать таблицу FILA для реализации этой технологии.

Ключевые слова: Таблица FILA, преимуществах проблемной технологии обучения при обучении студентов в медицинских вузах.

APPLICATION TABLE FILA IN THE IMPLEMENTATION OF THE PROBLEM OF TEACHING TECHNOLOGY

Abidov A.B., Karimova M.T., Maksudova Z.S., Sultanova G.Yu., Anvarov J.A., Nazirov Sh.A., Bobojonov Sh.J.,

Tashkent Medical Academy, 100109, Uzbekistan Tashkent Farobi 2.

✓ *Resume,*

This article provides information on the benefits of problem-based teaching technology for teaching students in medical schools. It also describes how to use the FILA table to implement this.

Keywords: FILA table, the advantages of problem-based learning technology when teaching students in medical schools.

Долзарблиги

Муаммога асосланган ўқитиш технологияси ёки Problem-based Learning Technology - Канаданинг McMaster Университети Тиббиёт факультети (McMaster University Medical School) профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган технология бўлиб, биринчи бўлиб айнан мана шу университетда Тиббиёт факультети талабаларини ўқитишда қўлланилган. Ҳозирги кунда эса бу таълим технологияси бутун дунёда кўпгина университетларда, хусусан тиббиёт факультетларда қўлланиб келмоқда [1].

Муаммога асосланган ўқитиш ёки Problem-based Learning - бу шундай ўқитиш йўналиши, бунда талабаларни ўқитиш мақсадида реал муаммоли вазиятли масалалар қўлланилади. Бу муаммоли вазиятли масалаларни таҳлил этиш ва ечиш орқали талабалар янги билимларни оладилар ва уларда реал ҳаётда учрайдиган муаммоларни ечиш кўникмаларини шаклланади [2].

Муаммога асосланган ўқитишда гуруҳдаги талабалар 2 та ёки 3 та кичик гуруҳларга бўлинган ҳолда, педагог-ўқитувчи томонидан берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар, бу муаммоли вазият бўйича ўз фикрларини билдирадилар, муаммони ечимини кичик гуруҳларда ва индивидуал тарзда излашлари керак

бўлади. Педагог-ўқитувчи эса бу жараёнда йўналтирувчи вазифани бажаради. Муҳокама сўнгиди эса фикрлар жамланиб, бир тўхтамга келинади ва жавобни педагог-ўқитувчига тақдим этадилар [3].

Муаммога асосланган ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардир:

1. Талабалар муаммони ечишга жавобгарлик ҳисси билан ёндошадилар ва ўзлари муаммони ечиш режасини тузадилар;

2. Муаммоли вазият - янги билимлар олишнинг асосий нуқтаси ҳисобланади;

3. Педагог-ўқитувчининг вазифаси талабалар муаммони ечиш жараёнда уларни тўғри йўналишга солиш орқали янги билимларни уларга етказиш;

4. Бу жараёнда талабалар ҳамкорликда муаммони ечадилар;

5. Талабалар янги мавзуни муаммони ечиш орқали ўрганадилар.

Муаммога асосланган ўқитиш технологиясининг босқичларини турли муаллифлар турлича талқин этганлар [3,4].

Муаммога асосланган ўқитиш технологиясининг босқичлари 1-жадвалда келтирилган:

Адабиётлар таҳлили муаммога асосланган ўқитиш катта самара келтиришини кўрсатди [2,5]. Аммо шуни назарда тутиш керакки, муаммога асосланган ўқитиш

Муаммога асосланган ўқитиши технологиясининг босқичлари

1-босқич: Гурухларни тузиш.	Педагог-ўқитувчи гурухдаги талабаларни 3 ёки 4 та талабадан ташкил топган кичик гурухчаларга бўлади;
2-босқич: Муаммони аниқлаш.	Талабалар берилган муаммоли вазиятни ўқиб чиқадилар ва бемордаги асосий муаммони аниқлайдилар;
3-босқич: Фикрларни ўрганиш.	Кичик гурухлардаги ҳар бир талаба ушбу муаммо бўйича ўз фикрларини билдирадилар;
4-босқич: Муаммони ўрганиш.	Кичик гурухлардаги талабалар ушбу муаммони биргаликда ўрганадилар;
5-босқич: Муаммони мустақил ўрганиш.	Шундан сўнг кичик гурухлардаги ҳар бир талаба алоҳида муаммони дарсликлар ёрдамида ўрганадилар;
6-босқич: Тахлил ва кўллаш.	Кичик гурухлардаги талабалар ўрганилган далиллар асосида бир тўхтамга келадилар. FILA жадвалини тўлдирадилар;
7-босқич: Рефлексия ва қайта алоқа.	Кичик гурухлардаги талабалар тўлдирилган FILA жадвали асосида муаммоли вазият жавобини педагог-ўқитувчига айтадилар.

FILA жадвали кўриниши

Facts Фактлар	Ideas Фикрлар	Learning issues Муаммони ўрганиш	Action plan Харакатлар режаси
1.	1.	1.	1.
2.	2.	2.	2.
3.	3.	3.	3.
4.	4.	4.	4.

таълим жараёнига аста-секин, талабаларни муаммоли вазиятни баён қилиш жараёнига тайёрлаш йўли билан киритилиши керак. Бутун мавзу материалини муаммога асосланган ўқитиши билан ўрганиш мушкул.

Муаммога асосланган ўқитишида педагог-ўқитувчи ҳар бир мавзуга мослаб аниқ ўқув мақсадларига йўналтирилган муаммоли вазиятли масала ва топшириқлар ишлаб чиқади. Амалий машгулот давомида эса муаммоли вазиятли масалани ҳал этишда ёки топшириқларни бажаришда талабаларнинг аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатига туртки беради ва жараённи назорат қилиб боради. Талаба эса бу таълим жараёнининг фаол қатнашчиси бўлиб иштирок этади. Муаммога асосланган ўқитишининг моҳияти шундаки, талабалар ўзлари муаммоли вазиятни мустақил ечишлари керак. Демак, ўқув материаллари ва топшириқлар тизими шундай тузилиши керакки, улар асосан мустақил фикр юритишга ва ўрганишга қаратилиши лозим.

Муаммога асосланган ўқитишида FILA жадвали кўллаш жуда кулади. FILA жадвали муаммога асосланган ўқитиши жараёнида талабаларнинг ақлий салоҳиятларини кўрсатиб берувчи интелектуал ўқув куролидир [6].

FILA жадвали 4 устундан иборат бўлиб, бу ерда FILA қисқартмаси қўйидаги маънони англатади: F ҳарфи - Facts (фактлар), I ҳарфи - Ideas (фикрлар), L ҳарфи - Learning issues (муаммони ўрганиш), A ҳарфи - Action plan (ҳаракатлар режаси). FILA жадвалини тўлдириш ушбу жараённи янада

фаоллаштиради. FILA жадвали эса қўйидагида кўринишда бўлади (2-жадвал):

Талабалар ушбу жадвални тўлдиришда 1-чи устунга муаммоли вазиятли масаладаги барча ташхис қўйишга ёрдам берувчи фактларни ёзib чиқадилар, масалан: беморнинг шикоятлари, ундаги касаллик белгилари, мавжуд бўлса текширув натижаларини. 2-чи устунга эса 1-чи устундаги фактларга асосланиб ўз фикрларини яъни тахминий ташхисни ёзадилар (тахминий ташхислар бир нечта бўлиши мумкин). Шундан сўнг 3-чи устунда 2-чи устундаги тахминий ташхисни тасдиқловчи ёки инкор этувчи, яъни муаммога ойдинлик киритувчи саволларни ёзадилар ва бу саволларни жавобларини дарсликлардан излайдилар. 2-чи устундаги ташхисларнинг бирортасига тўхталганларидан кейин 4-чи устунга ушбу ташхис бўйича беморга текширув режасини тузадилар ва даволаш муолажаларини тайинладилар.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, муаммога асосланган ўқитиши технологиясини таълим жараёнида қўллаш, берилаётган таълим сифатини янги босқичга кўтарилишига ёрдам беради. Шунингдек, талабалар муаммоли вазиятларни ечишга жавобгарлик хисси билан ёндошадилар ва ўз устларида кўпроқ ишлаб, билимларини чуқурлаштиришга харакат қиласадилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ:

1. Mueller C.B. McMaster University Medical School: the Little School that Could - and Did. *McMaster Univ. Med. J.* 2008; 5(1):29-33.
2. Gijbels D. Effects of Problem-Based Learning. A Meta-Analysis From the Angle of Assessment // *Review of Educational Research*. 2005; 75(1): 27-61.
3. Cindy E. Hmelo-Silver, Catherine Eberbach Learning Theories and Problem-Based Learning // *Problem-Based Learning in Clinical Education. Innovation and Change in Professional Education*. - 2012; 8: 3-17.
4. Problem-Based Learning (PBL). Northern Illinois University, Faculty Development and Instructional Design Center. www.niu.edu/facdev. 2018-815.753.0595.
5. Батыева Е.Х. и др. Проблемно-ориентированное обучение: сущность, недостатки, преимущества. *Медицина и экология*, 2016; 1: 115-122.
6. Жумабеков А.С. Применение таблицы "FILA" и методики Flipped the classroom" дразвития практических навыков на уроках физики. // *Молодой учёный*. - 2016; 17(121): 114-117.

Келиб түшгән күн 09.02. 2020